



Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Фарход кўчаси 34/29 Тел: +99866 234-80-34, +99891 528-24-46  
Телеграмм +99897 921-24-46, e-mail: afrosiyobstandart@mail.ru

№ 12/BN

« 4 » апрел 2022 й.

## МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСА СИ

Бажарувчи, Самарқанд шаҳар MCHJ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkiloti Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрел кунда берилган №00787 сонли аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги лицензиясига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2008 йил 24 март кундаги №376 тартиб рақамли гувоҳномасига эга бўлиб, Самарқанд шаҳри Фарход кўчаси 34-уй, 29-хонада жойлашган.

Банк ҳисоб рақами 20208000004691763001, АТ «Турон» банкининг Самарқанд филиали, МФО: 00282, СТИР 206955352.

Аудиторлик текшируви Самарқанд шаҳар MCHJ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkilotiнинг аудитори Бобоев Собиржон томонидан амалга оширилди.

Малака сертификати №05087 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 23 феврал кунда берилган, ҳамда муддати 23.02.2018 йилдан 5 (беш)йил муддатга узайтирилган.

Буюртмачи, «BUXORONEFTGAZAVTONAQL» акциядорлик жамияти, манзили Бухоро вилояти, Когон шаҳри, «Амиробод» кўрғони.

Банк ҳисоб рақами 20210000300310020001, ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро шаҳар филиали, МФО 00086, СТИР 201108467.

Аудиторлик текшируви MCHJ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkiloti билан «BUXORONEFTGAZAVTONAQL» акциядорлик жамияти ўртасида 2022 йил 24 март кунда тузилган № 137- сонли шартномага асосан, буюртмачи ташкилотнинг 2021 йил 1 январ кунидан 2021 йил 31 декабр кунигача бўлган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказилган давр мобайнидаги молиявий ҳисоботларини тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун «BUXORONEFTGAZAVTONAQL» акциядорлик жамияти раҳбарияти, ҳамда мазкур молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига MCHJ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkiloti жавобгар ҳисобланади.

Мен, аудиторлик кўригини 70 сонли «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти» (АФМС)га мувофиқ ўтказдим, ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботлар жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади.

Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот, ҳамда бошқа молиявий ахборотларни қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий фаолиятнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Менинг фикримча, «BUXORONEFTGAZAVTONAQL» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 1 январ кунидан 2021 йил 31 декабр куни ҳолатигача бўлган даврдаги молиявий ҳисоботида унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

«Хулоса бердик»

Самарқанд шаҳар MCHJ shaklidagi  
«Afrosiyob audit standart» auditorlik  
tashkilotiнинг директори



У.Очилов

Самарқанд шаҳар MCHJ shaklidagi  
«Afrosiyob audit standart» auditorlik  
tashkilotiнинг аудитори

С.Бобоев